

УДК: 332

## ҚОРАҚЎЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Шодиев Бекзод Тўлқинович**Иқтисодиёт ва педагогика университети**“Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)*

**Аннотация.** Мақолада қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масаласи баён этилган. Қоракўлчилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимида қўшилган қиймат занжири динамикаси бўйича инновацион фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** яйлов, чорвачилик, қоракўлчилик, экотизим, ресурстежамкор ишланма, таназзулик, биохилма-хиллик, иқтисодий самара.

**Аннотация.** В статье рассмотрен вопрос увеличения объемов производства продукции каракулеводческих. Были представлены инновационные идеи по динамике цепочки добавленной стоимости в системе подготовки, переработки и реализации продукции каракулеводства.

**Ключевые слова:** пастбища, животноводство, каракулеводство, экосистема, ресурсосберегающее освоение, деградация, биоразнообразие, экономическая эффективность.

**Annotation.** The article discusses the issue of increasing production volumes of karakul-breeding products. Innovative ideas were presented on the dynamics of the value chain in the system of preparation, processing and sale of karakul products.

**Key words:** pastures, animal husbandry, astrakhan breeding, ecosystem, resource-saving development, degradation, biodiversity, economic efficiency.

Республикада ўтган йиллар ичида қоракўлчилик тармоғини модернизациялаш, бунда энг аввало қоракўл зотли қўйлар бош сони ва қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш, наслчилик ишларини илмий асосда такомиллаштириш, қоракўлчилик маҳсулотларини, хом ашёларини чуқур қайта ишлаш ва тиббиёт мақсадлари учун кенг фойдаланиш ҳамда тармоқ ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Қоракўлчилик тармоғи қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзига хос, йирик тармоқ ҳисобланганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан тармоқни модернизациялаш бўйича бир-бирига боғлиқ бир нечта қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сонли “Чорвачиликда

иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [1], 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сонли “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги [2], 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сонли “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3], 2021 йил 9 февралдаги ПҚ-4984-сонли “Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [4] ва 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178-сонли “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [5] қарорларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 13 августдаги 649-сонли “Қоракўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар томонидан етиштирилган қўй териси, қоракўл териси ва жунни харид қилиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш ташкилотларига етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [6] қабул қилинди.

Мазкур қарорларда кейинги йилларда мамлакатимизда қоракўлчилик тармоғини ривожлантириш ва унинг кишлоқ хўжалигидаги ўрнини таъминлаш, қоракўл маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва уларнинг турларини кўпайтириш асосида кенг кўламли таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, чорвачиликда хусусий мулкнинг устувор аҳамияти ва наслчилик ишларини такомиллаштириш, яйловлардан самарали фойдаланиш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Қоракўлчилик тармоғида қоракўл терисини ишлаб чиқаришда терининг рангини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштириш асосий талаблардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси таклифига мувофиқ, Навоий вилоятида қоракўл зотли қўйларининг сур ранги бўйича, Қашқадарё вилоятида эса қора ва кўк ранги бўйича юқори элита синфли наслдор қоракўл қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган Илмий-наслчилик тажриба станциялари ташкил этилди.

Мазкур Илмий-наслчилик тажриба станцияларининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- юқори наслдор элита синфига мансуб сур, қора ва кўк рангли қоракўл зотли қўйлар отарларини илмий асосда ташкил этиш;
- отарларда наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиш, бунда ранглар бўйича қимматли экспортбоп ярим доира қаламгул, қовурғасимон ва ясси гул типидagi қоракўл қўйлар селекциясига алоҳида эътибор қаратиш;

- серпушт қоракўл кўйларини ўзаро жуфтлаш орқали жаҳон мўйна бозорлари талабидан келиб чиқиб, қоракўл терининг рақобатбардош турларини яратиш;

- етиштирилган юқори маҳсулдор қоракўл кўй ва кўчқорларни аҳоли хонадонларига, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларига тизимли равишда етказиб беришни йўлга кўйиш ҳисобланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 2841-сонли қарори, 16.03.2017. <https://lex.uz/docs/3143826>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3603-сонли қарори, 14.03.2018. <https://lex.uz/docs/3587484>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қоракўлчилик тамоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4420-сонли қарори, 16.08.2019. <https://lex.uz/docs/4476585>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4984-сонли қарори, 09.02.2021. <https://lex.uz/docs/5275644>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни кўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5178-сонли қарори, 08.07.2021. <https://lex.uz/ru/docs/5499558>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қоракўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар томонидан етиштирилган кўй териси, қоракўл териси ва жунни харид қилиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш ташкилотларига етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, №649, 13.08.2018. <https://lex.uz/docs/3863876>
7. Шодиев Б.Т., & Абдиева Д.К. (2023). УВЕЛИЧЕНИЕ ОБЪЕМОВ ПРОИЗВОДСТВА ПРОДУКЦИИ КАРАКУЛЕВОДСТВА. Экономика и социум, (12 (115)-1), 1559-1562.